

Фикҳ дарслари (81-дарс). Ҳанафий мазҳабининг нақл қилиниши



15:30 / 16.04.2020 4734

Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳи алоҳида катта фикҳий китоб таълиф қилмаганлар. Баъзи бир «Ал-Фикҳул Акбар», «Ал-Олим вал Мутааллим», Усмон ал-Баттийга ва Қадарияларга раддия тарзида ёзган рисоаларига ўхшаш кичик рисоалар ёзганлар. Бу рисоаларнинг барчаси илми калом ва мавъизага оиддир. Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳи фикҳда алоҳида китоб ёзмаганлар.

Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳининг фикрлари ва ижтиҳодлари самараларини у кишининг шогирдлари нақл қилганлар ва китоб шаклига келтирганлар.

Ҳанафий мазҳабининг тарқалиши

Ҳанафий мазҳаби ўзидаги хусусиятлар омил ўлароқ, тез ва соз ўсди, турли ўлкаларда кенг тарқалди. Унинг ўсиши ва тарқалишининг бош омиллари учта:

1. Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳининг шогирдлари кўплиги ва уларнинг ўз устозлари ижтиҳоди самараларини тарқатишга катта аҳамият беришлари. Улар ҳанафий фикҳининг асосларини баён қилдилар ва устозларига оз нарсада хилоф қилиб, кўп нарсада мувофиқ бўлдилар.

2. Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳининг шогирдларининг шогирдлари ҳам ҳукмларнинг далил ва сабабларини ҳаммага баён қилиб бердилар.

3. Ҳанафий мазҳаби беш юз йилдан ортиқ даврда аббосийлар давлатининг расмий мазҳаби бўлиб тургани. Халифа Ҳорун ар-Рашид имом Абу Юсуфни қози этиб тайинлаган. Ўз навбатида, Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳи бошқа қозиларни тайинлар эдилар.

«Кифоя» китобининг 1-жузидан